

Impact Factor: 4.951

ISSN: 2181-0788

DOI: 10.26739/2181-0788

www.tadqiqot.uz

IJC

INTERNATIONAL JOURNAL OF CONSENSUS

KONSENSUS XALQARO JURNALI



VOLUME 1, ISSUE 3

2020

Bosh muharrir:
Chief Editor:

Jo'rayev Narzulla Qosimovich
Siyosiy fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

Bosh muharrir o'rinbosari:
Deputy Chief Editor:

Saidov Sanjar Shavkatovich
Siyosiy fanlar bo'yicha falsafa doktori
(PhD), O'zbekiston Respublikasi

KONSENSUS XALQARO JURNALI TAHRIRIY MASLAHAT KENGASHI
EDITORIAL BOARD OF THE INTERNATIONAL JOURNAL OF CONSENSUS

Alimardonov To'lqin Siyosiy fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi	Nurmatova Gulsayra Asanovna Siyosiy fanlar doktori, professor, Qirg'iziston Respublikasi
Anita Sengupta Siyosiy fanlar doktori, professor Hindiston Respublikasi	Qirg'izboyev Muqimjon Siyosiy fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi
Baydarov Erkin Ulanovich Falsafa fanlari nomzodi, professor, Qozog'iston Respublikasi	Qo'chqorov Vahob Hoshimovich Siyosiy fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi
Farmonov Rahmon Farmonovich Tarix fanlari doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi	Qodirov Anvar Kaxxarovich Falsafa fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi
Jo'rayev Sayfiddin Siyosiy fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi	Turayev Baxtiyor falsafa fanlari doktori, O'zbekiston Respublikasi
Jennifer Murtazashvili Siyosiy fanlar doktori, professor Amerika Qo'shma Shtatlari	Tolipov Farxod Fazilovich Siyosiy fanlar nomzodi, dotsent O'zbekiston Respublikasi
Mamadazimov Abdugani Siyosiy fanlar nomzodi, dotsent, Tojikiston Respublikasi	Vasiliy Nikulenko Tarix fanlari nomzodi, dotsent, Rossiya Federatsiyasi
Madayeva Shaxnoza Amanullayevna Falsafa fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi	Chander Shekhar (Chander Shekhar) Falsafa doktori, professor, Hindiston Respublikasi
Zamonov Zokir Turg'unovich PhD, O'zbekiston Respublikasi	Mas'ul kotib Responsible secretary: To'ychiyeva Ra'no Almatovna O'zbekiston Respublikasi

PageMaker | Sahifalovchi: Xurshid Mirzahmedov

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000


МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Kuchkarov Vahob IN ATTRACTING YOUNG PEOPLE TO ENTREPRENEURSHIP THE EXPERIENCE OF UZBEKISTAN AND FOREIGN COUNTRIES.....	4
2. Зарипова Зебинисо МАССМЕДИА В КОНТЕКСТНОМ МЕНЮ СОВРЕМЕННЫХ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОТНОШЕНИЙ.....	17
3. Лухманова Зарина НАЦИОНАЛЬНЫЙ ИНДЕКС МОЛОДЕЖНОЙ ПОЛИТИКИ: АНАЛИЗ ПОКАЗАТЕЛЕЙ.....	24
4. Байрыева Алмагул ЎЗБЕКИСТОНДА ВАКИЛЛИК ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ.....	35
5. Абдурахмонов Санжар ДЕМОКРАТИЯГА ЎТИШ ДАВРИДА ИНСТИТУЦИОНАЛ БЎШЛИҚ МУАММОСИ.....	43
6. Хатамов Фарход ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАНЛАРДА “ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ” КОНЦЕПЦИЯСИ.....	50
7. Jumaev Adilhakim, Mamatkulov Ravshanjon, Sultanov Alisher, Yusupbaeva Amangul BASIS OF STATE POLICY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN IN THE FIELD OF DEVELOPMENT OF PHYSICAL CULTURE AND SPORTS.....	60
8. Давронова Феруза ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИДА АЁЛ ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ МАҚОМИ.....	68
9. Мирзахмедов Абдирашид, Мирзахмедов Хуршид, Абдуҳолиқова Насиба ЁШЛАР МАДАНИЯТИ ФАЛСАФИЙ ТАДҚИҚОТ ПРЕДМЕТИ СИФАТИДА.....	83
10. Саидова Сайёра ЗАМОНАВИЙ СИЁСИЙ НАЗАРИЯЛАРДА ДИН ОМИЛИНИНГ ТАЛҚИНИ.....	89
11. Салиева Мухаббат ДАВЛАТ ТАШҚИ СИЁСАТИДА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ.....	97
12. Umaraliyeva Dilfuza, Nurmatov Farkhod, Atabekov Fozil THE PROBLEM OF GENDER EQUALITY IN SPORTS: STAGES OF DEVELOPMENT OF WOMEN'S SPORTS IN UZBEKISTAN.....	106
13. Ирисметов Бахтияр К ВОПРОСУ ОБ ИСТОРИЧЕСКОЙ И КУЛЬТУРНОЙ ПАМЯТИ.....	117
14. Бердиев Бектош ПРОФЕССИОНАЛ БОШҚАРУВ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ: МУАММОЛАР ВА ВАЗИФАЛАР.....	122
15. Турсунмуратов Мухиддин “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ”НИНГ ЁШЛАР МАЎНАВИЯТИГА ТАЪСИРИ.....	130

KONSENSUS CONSENSUS

Санжар Абдурахмонов,
“Келажак бунёдкори” газетаси
бош муҳаррир ўринбосари
E-mail.: sanjarfotih@gmail.com

ДЕМОКРАТИЯГА ЎТИШ ДАВРИДА ИНСТИТУЦИОНАЛ БЎШЛИҚ МУАММОСИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0788-2020-3-5>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада демократлаштириш жараёнида демократик институтлар ва анъанавий сиёсий институтлар ўртасидаги мураккаб алоқалар ва уларнинг бир-бирига ўзаро таъсири таҳлил қилинган. Шунингдек, демократияга ўтиш даврида институционал бўшлиқ юзага келиши ва унинг демократик ислохотлар ўтказилиш жараёнига салбий таъсири муҳокама этилган. Шунинг баробарида, демократик ҳулқ-атвори шакллантиришда демократик тамойиллар ҳамда анъанавий сиёсий маданият ва тартибларнинг зиддиятли муносабатлари ҳам назарий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: демократлаштириш, демократик институтлар, сиёсий анъаналар ва тартиблар, институционал бўшлиқ.

Санжар Абдурахмонов,

Заместитель главного редактора газеты «Келажак бунёдкори»
E-mail.: sanjarfotih@gmail.com

ПРОБЛЕМА ИНСТИТУЦИОНАЛЬНОГО ВАКУУМА В ПЕРИОД ПЕРЕХОДА К ДЕМОКРАТИИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье обсуждаются сложные отношения между демократическими институтами и традиционными политическими институтами и их взаимодействие в процессе демократизации. Он также затрагивает вопросы возникновения институционального вакуума в переходный период и его влияние на реформы. Вопросы формирования демократического поведения в условиях противоречия демократических принципов традиционной политической культуре и обычаям анализируются.

Ключевые слова: демократизация, демократические институты, политические традиции и обычаи, институциональный вакуум.

Sanjar Abdurakhmonov,
Deputy editor-in-chief of the
newspaper "Kelajak bunyodkori"
E-mail.: sanjarfotih@gmail.com

THE ISSUE OF INSTITUTIONAL VACUUM DURING TRANSITION TO DEMOCRACY

ABSTRACT

This article discusses complex relations between democratic institutions and traditional political ones and their interactions in the process of democratization. It also touches issues of emergence of institutional vacuum in transition and its impact on reforms. The issues of the formation of democratic conduct in terms of contradiction between democratic principles and traditional political culture, and customs are theoretically analyzed.

Keywords: democratization, democratic institutions, political traditions and customs, institutional vacuum.

КИРИШ ВА ДОЛЗАРБЛИГИ

Бугунги кунда кўпгина мамлакатлар турли йўллар билан демократия томон илгарилаб бормоқда. Бу борада уларнинг баъзилари муваффақиятга эришган бўлса, баъзилари муваффақиятсизликка дуч келдилар. Демократлаштириш муаммолари ва демократия томон йўлни кўрсатиб берувчи баъзи илмий концепция ва ёндашувлар мавжудлигига қарамай, ҳали ҳамон демократлаштириш жараёнини талқин қилишда бир қатор камчиликлар мавжуд [1]. Демократиянинг ижтимоий асоси сифатида кўрилган “олтин ўрта синф” ҳам бундай синф гуллаб-яшнаётган Хитой каби жамиятларда демократиянинг илдиз отишини таъминлай олмади [2]. Қолаверса, модернизация назарияси сўнгги вақтларда Туркия, Россия, Миср каби модернлашган мамлакатларда юз берган ҳодисаларни изоҳлашда эскирган назарий қурилмага айланиб қолгани кўриниб қолди. Ундан-да қизиғи, Ғарб цивилизациясига дахлдор бўлган Шарқий Европа (Венгрия, Польша) ва Лотин Америкасидаги (Бразилия, Аргентина) демократик давлатларнинг аксиллиберал демократик амалиётга қайтишлари демократия бундай давлатларда ҳам ўзига хос таҳдидларга дуч келаётганини қандай изоҳлаш мумкин?! Шунингдек, мазкур демократлаштириш жараёнларида бундай мамлакатлар Ғарб бўлмаган жамиятларга қараганда устунликка эга бўлади, деган тасавурларни ҳам чиппақка чиқарди. Ўз навбатида, юқоридаги ҳолатлар демократия фақат Ғарб цивилизациясига мансуб бўлган мамлакатларда яшаб қолади ва гуллаб-яшнаиди, деган қарашларни ҳам рад қилди. Демократиянинг учинчи тўлқини муваффақиятсизликлари демократия тарафдорларининг “ўтиш даври” парадигмасидан кўнгли қолишларига сабаб бўлди.

МЕТОДЛАР ВА ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги ҳақли саволлар пайдо бўлади: демократлаштиришдаги барча муаммоларга жавоб берадиган ягона чора борми ёки демократлаштиришнинг ҳамма учун қабул қилса бўладиган универсал модели мавжудми? Агар йўқ бўлса, у ҳолда демократлаштиришдаги турли тенденцияларни концептуаллаштиришдан не маъно ёки уларни ягона интеллектуал “шакл”га келтиришдан мақсад нима?

Шуни тан олиш керакки, эркин ва очик сайловлар, қонун устуворлиги, ҳокимиятнинг бўлиниш тамойили, фуқаролик жамияти институтлари, эркин бозор иқтисодиёти, мулкдорларнинг ўрта синф қатлами каби демократияни ўрнатишнинг айна мехнизмлари демократия томон бундан бошқа йўл йўқ деган тасавурларни шакллантирди ва уларни мутлоқлашлатирди. Бироқ, ушбу хусусиятлар ҳар қандай демократлаштириш жараёнлари учун умумий бўлса-да, бироқ уларни механик тарзда турли шарт-шароит ва маданиятга эга бўлган мамлакатларга татбиқ этиш қарама-қарши натижаларга олиб келишига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Қачонки биз натижаларни умумлаштирганимизда демократияга ўтиш жараёнининг силлиқ амалга ошишига жиддий тарзда тўғридан-тўғри таъсир қиладиган баъзи нарсаларни эътибордан четда қолдирганимиз аён бўлади. Шунга қарамасдан, жаҳонда юз берган демократлаштириш натижаларидан келиб чиқадиган хулосалар демократлаштириш жараёнларининг муваффақият ва хатоларини тушуниш ҳамда таҳлил қилиш учун интеллектуал конструкцияларни тақдим этади. Барибир, шунга қарамасдан,

демократлаштириш жараёни интеллектуал конструкциялар томонидан олдиндан белгилаб берилган мўлжалдан бошқа йўналишга оғиб кетганида ушбу инструкциялар мавжуд вазиятни талқин қилишнинг ягона монополиячиси мақомини бой беради.

Аслида, назарий жиҳатдан, демократиянинг бинойидек ишлашини таъминлашга қаратилган механизмлар ва инструкциялар амалда қутилган самарани беравермайди. Мана нима учун демократлаштириш жараёнлари муваффақияти ва муваффақиятсизликлари ҳақида мулоҳаза юритганимизда интеллектуал инструкциялардан ташқари маданий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, тарихий ривожланганлик даражаси билан шартланган омилларни ҳам эътиборга олишимиз керак. Америкалик таниқли сиёсатшунос Френсис Фукуяма 1989 йилда нашр қилинган “Тарихнинг интиҳоси” номли мақоласида жануби-шарқий Осиё мамлакатларини иқтисодий либерал, бироқ сиёсий жиҳатдан либерал бўлмаган мамлакатлар, дея таъкидлаганди. Бугун эса, ушбу минтақа мамлакатлари, хусусан, Малайзия ва Индонезия кўпчилиги томонидан амалдаги демократик мамлакатлар сифатида эътироф этилади.

Демократия томон ташланган илк кезларда ушбу мамлакатлар маданий ўзига хосликларидан келиб чиқиб сиёсий либерализацияни рад қилиб, эркин бозор муносабатларини жорий этган эди. Маданий замин тайёрлангандан сўнггина ушбу мамлакатлар бошқарувнинг демократик тамойилларини ўзлаштирдилар. Бу фақат ўша минтақага хос бўлган демократлаштириш тажрибаси эди. Пост-совет маконидаги демократияга ўтишда эса Грузия ўзига хос тажрибани намоён этди, яъни демократик институтлар “фалаж” ҳолга келган мамлакатда фақатгина қонун устуворлигининг таъминланиши уларга қайта жон бағишлади. Марказий Осиёдаги мамлакатлардаги демократлаштириш жараёни эса турли ички ва ташқи омиллар сабабли боши берк кўчага кириб қолган.

Мана нима учун демократия назариётчилари ўтиш даври ҳақида сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий контекстларда чексиз мунозара қилишадилар-у, лекин демократияни ўрнатишнинг маданий мезонларига келганда атайин бундай баҳслардан тийиладилар. Сабаби, қачонки биз демократияни маданий контекстда изоҳлаганимизда унинг турли зиддиятли ва чалкаш шаклларига дуч келамиз. Ўз навбатида, бундай турфа хиллик демократияни универсалликдан мосуво қилибгина қолмасдан, аксилдемократик кучлар учун уни ўз мақсадларида фойдаланишига ҳамда ўз ҳаракатларини оқлашга хизмат қилмоқда. Шу сабаб бўлса керак, демократия назариётчилари демократлаштириш жараёнини талқин этишда маданий жиҳатдан нейтрал бўлган контекстлар билан чекланишади.

Бироқ, жаҳон тажрибаси кўрсатишича, демократияга ўтиш даври муваффақиятсизликлари кўпроқ маданият, аниқроғи, сиёсий маданий анъаналар билан боғлиқ. Агар шундай бўлган тақдирда, яъни маданият ижтимоий ҳаётнинг барча жаҳаларини қамраб олишини ҳисобга олсак, биз демократияга ўтишни таҳлил қилишда турли-туман концепцияларга мурожаат қилишга мажбур бўламиз. Тайёр интеллектуал модел ва инструкциялар мавжудлигига қарамай, маданий талқинлар ҳар қандай мулоҳазаларни баҳсталаб мавзуга айлантириб қўяди.

Ўзининг универсалистик характериға қарамай демократик кадриятлар миллий давлатчилик тарафдорлари томонидан “аксилкадрият” сифатида қабул қилинади. Чунки демократлаштириш маданий ўзгаришларга сабаб бўлади. Шунингдек, кўпгина ҳолларда жаҳон бўйлаб давлат қурилиши жараёни миллат шаклланиши билан параллел равишда кечади. Ушбу вазиятда жамиятни демократлаштиришда ўзликни англаш муаммолари демократлаштириш муаммолари билан зиддиятга киришиб кетади. Ушбу жараёнда, агар миллатни шакллантириш жараёни ўз ниҳоясига етмаган бўлса, демократияга ўтиш жараёни тескари аксилдемократик тусга кириши мумкин. Давлат қурилишига нисбатан патерналистик ёндашувлар демократик тамойиллардан устун келишига олиб келади. Бунини Марказий Осиёдаги мамлакатлар худди шундай тажрибани ўз бошидан ўтказиб келишмоқда ҳамда уларнинг демократик келажаги мавҳумлигича қолмоқда.

Шунингдек, демократик тажриба билан эртароқ таниш бўлган минтақаларда ҳам ҳолат кўнгилдагидек эмас. Лотин Америкаси мамлакатлари демократия пойгасида бундай ўзгаришлар кечроқ бошланган бошқа минтақалардан, масалан, Шарқий Европадан анча

орқада қолиб кетди. 2012 йилда “The Economist” нашри томонидан тузилган Democracy Index рейтингда минтақадаги мамлакатлардан атиги иккитаси – Коста Рика ва Уругвай “тўлақонли демократик” мамлакатлар қаторига киритилган бўлса, “тўлақонли бўлмаган демократик” дея аталган мамлакатлар ўнталигида Аргентина, Бразилия, Чили ва Мексика каби мамлакатлар жой олган, қолган олти (Боливия, Гватемала ва Венесуэла) давлатлар эса шунчаки демократик мамлакатлар дея эътироф этилмасдан “гибрид режимлар” дея тавсифланган[3].

Швецияда жойлашган Демократия ва Сайловга ёрдам Халқаро Институти томонидан 2016 йилда тайёрланган “Лотин Америкаси мамлакатларидаги демократия сифати” тадқиқот хулосасига кўра, минтақа жамиятларида консерватив сиёсий маданият ва “демократик онг” тўқнашуви беқарор сиёсий ландшафтни шакллантирди; заиф демократик институтлар, кенг кулоч очган коррупция, ҳокимиятга нисбатан ишончнинг йўқлиги, юқори даражадаги жиноятчилик, шахсий хавфсизликнинг таъминланмаганлиги, самарасиз полиция тизими, ижтимоий тенгсизлик, сиёсий фаолликнинг пастлиги, фақат минтақа учун хос бўлган “янги каудиллалар” шаклидаги авторитаризмнинг янги шакллари ва бошқа муаммоларнинг барчаси давлат институтларининг самарасизлиги туфайли юзага келган. Аслида, демократияни ўрнатишдаги асосий муаммо бундан-да чуқур муаммоларга бориб тақалади.

Сиёсатшунос Адам Пшеворский ўзининг “Демократия ва бозор. Шарқий Европа ва Лотин Америкасида сиёсий ва иқтисодий ислохотлар” номли асарида демократияга ўтиш нима учун барбод бўлиши сабабига эътибор қаратиб шундай ёзади: “авторитар режим билан мураккаб музокаралар натижасида амалга оширилиш имконига эга бўлган ўша демократлаштириш жараёнлари олдинги режимга хос бўлган кўпгина ижтимоий институтлар... сақлаб қолиниши билан ажралиб туради. Ҳаттоки репрессиялар хавфи бўлмаса ҳам, демократияпараст кучлар шундай институтлар тизимини яратишадик, унинг кўпгина элементларига вақтинчалик, дея қаралади. Шундай тарзда, ўтиш даврида муҳим институционал муаммолар ўз ечимини топиши даргумон”[4]. Масалан, ўтиш даврида ҳокимиятнинг бир шахс қўлида тўпланиши – кучли президентлик институтига вақтинчалик, яъни демократик институтлар шаклланиши учун кетадиган вақт мобайнидаги транзитор институт сифатида қараш амалда демократик ривожланишни бўғиб қўйиши ҳолати пост-совет макони тажрибасида ўз исботини топди. Моҳиятан, кучли президентлик институти тарафдорлари мазкур институтдан кўзланган мақсад ўтиш даврида қонун устуворлигини таъминлашни кўзда тутган бўлишсалар-да (масалан, Ўзбекистон расмий элитасида мана шундай расмий позиция мавжуд. Бунинг яққол ифодасини “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” концепциясида кўришимиз мумкин. Шунингдек, бунга Сингапур тажрибасидан келиб чиқиб баҳо берсак масаланинг моҳияти янада ойдинлашади.), амалда бу институт қонун устуворлиги тамойилига зид амалиётга айланиб қолганини ҳеч ким инкор эта олмайди. Қонун устуворлигини таъминлаш механизми яратилмаганлиги демократияга ўтиш давридаги институционал муаммоларга сабаб бўлди. Мана нима учун демократия назариётчиларидан бири Томас Карозерс “авторитар мамлакатлардаги кўплаб ўтиш жараёнлари демократлаштиришни англамайди, балки авторитар режимларнинг эркинлашувини англайди”[5], дея таъкидлаган эди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

“Демократияга ўтиш даври” парадигмасининг камчилигини тушуниш учун ушбу жараённинг кўринмас ва эътибордан четда қолиб кетадиган томони – бирор мамлакат ёки минтақанинг маданий хусусиятларига назар ташлаш лозим. Қачонки демократияга ўтиш жараёни бошланса, демократик институтлар билан бир қаторда анъаналар ва аввалги режимга хос бўлган институтлар амал қилишда давом этади. Натижада иккаласининг бир-бирига ўзаро таъсири рўй беради. Бироқ, бундай “ўзаро таъсир”нинг натижаси демократик институтлар фойдасига ҳал бўлмайди. Чунки иккаласи ҳам бир-бирига диаметрик қарама-қарши бўлган қадриятларни ифода этади. Бунга ўтиш даври муваффақиятсиз олиб борилгани ва демократик институтларнинг самарасизлиги асосий сабаб бўлмай, балки маданият ҳам ҳисоблашиш лозим бўлган муҳим элементлардан бири бўлишидир. Чунки, “маданият шундай муҳитки, у институтларнинг хулқ-атворни шакллантириш усулига ўз таъсирини ўтказа олади”[6]. Бу

анъанавий ижтимоий институтлар устувор бўлган шароитда фақатгина демократик институтларни шакллантириш (масалан, ҳақиқий фуқаролик жамияти институтларисиз сайлов тизими ёки қонун устуворлигисиз ҳокимиятнинг бўлиниши тамойилларини жорий этиш) тўғридан-тўғри шунга мувофиқ хулқ-атворни шакллантиради, деган тасаввурларни йўққа чиқаради. Агар шундай бўлса, мантиқан, бирор жамиятда демократик институтлар маданиятнинг узвий бир қисмига айланмагунча у ерда демократлаштириш амалга ошмайди. Ўтиш даврида демократик институтлар тизимига параллел тарзда мавжуд бўлган анъанавий институтлар демократлаштириш талабларига шундай мослашадики, натижада демократик институтларнинг амал қилишига халақит бериб демократлаштиришнинг ортга – авторитаризмга бурилишига олиб келади.

Ўзбекистондаги маҳалла институти худди шундай вазифани бажарди. Аслида, у анъанавий ўз-ўзини бошқариш институти сифатида мустақил тарзда фуқароларнинг манфаатларини рўёбга чиқариши лозим эди. Шунинг билан бирга, Ўзбекистон расмийларига кўра, маҳалла демократия дарсхонаси сифатида демократик хулқ-атворни ва дастлабки кўникмаларни шакллантиришга кўмаклашиши керак эди. Амалда эса у жамиятдаги ҳокимиятга нисбатан патерналистик муносабат ва анъанавий қарашлар тизими таъсири остида ҳар қандай демократик интилишларни назорат қилувчи ва ташаббусларни бўғувчи тузилмага айланиб қолди. Аксинча, у ижро ҳокимиятининг кўринмас узвий маҳаллий ячейкасига айлантирилди. Шаклан демократик, мазмунан аксилдемократик хусусият касб этган маҳалла институти фуқаролик жамияти институтларининг прототиби сифатида, яъни ҳам демократик, ҳам анъанавий институт сифатида фаолият юритиши иккисининг ҳам зиёнига бўлди[7].

Муайян жамиятда кўпроқ “анъанавий” (Макс Вебер талқинидаги) характерга эга бўлган ҳокимият институтлари ва сиёсий жараёнларни ҳисобга олмасдан Ғарб либерал кадриятларини тўғридан-тўғри, кўр-кўрона ўзлаштириш қарама-қарши ва олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин. Кўппартиявийлик уруғ-аймоқчилик ёки диний асосдаги партиявий структурага айланишига, сўнгра кенг миқёсдаги миллатлараро ёки диний низоларга олиб келиши мумкин. Ҳокимиятлар бўлиниши хаос ва тартибсизликка (негаки, ҳокимиятлар бўлиниши тамойили моҳиятан анъанавий жамиятларга хос хусусият эмас), сўнгра очик ҳарбий хунта ўрнатилишига олиб келиши мумкин ва ҳақозо[8].

АҚШнинг Ироқда демократияни қурол кучи билан ўрнатишига уриниши худди шундай оқибатни юзага келтирди. Ҳозирда мамлакатдаги партиявийлик тизими диний сектавий асосда тузилган[9]. Лотин Америкаси мамлакатларидаги “қаттиққўллик” сиёсати рамзи бўлган “янги каудилос” (caudillo – ҳарбий ёки сиёсий етакчи) президентлик шаклида чуқур илдиз отган[10]. Буни Марказий Осиёдаги кучли президентлик бошқарувларини тарихий “якка ҳукмдор” сиёсий анъанаси билан изоҳлаш, шунингдек, давлат раҳбарларининг турли унвонлар (Қозғистоннинг биринчи президенти Нурсултон Назарбоев президент бўлиши билан бирга президентликдан кетгандан сўнг ҳам мамлакат сиёсий тизим иерархиясидаги энг олий мақомда қолганини ёдга олиш кифоя) олгани мисолида янада аниқ кўриш мумкин.

Агар демократик институтлар уларга маданий жиҳатдан бегона муҳитда ўз вазифаларини бажара олишмаса, уларнинг вазифасини уларга параллел тарзда мавжуд бўлган анъанавий институтлар бажара бошлайди. Буни Марказий Осиёдаги сиёсий ривожланиш тажрибалари яққол кўрсатиб берди. Минтақада минимал даражада бўлса-да сайловлар, ҳокимиятлар бўлиниш тамойили ва бошқа имитация қилинган демократик институтлар амал қилиб келаётгани сир эмас. Лекин уларнинг ҳаққоний демократик эврилишга олиб келишига бир қатор, хусусан, анъанавий сиёсий тартиблар катта тўсиқ бўлиб қолмоқда. Сиёсий-ҳуқуқий тизимнинг демократик андозалар асосида барпо этилиши амалдаги режимнинг патримониалистик характери, ҳокимият иерархиясида чуқур илдиз отган клиентелизм ва непотизмга барҳам бера олмади, аксинча, бундай режимларнинг легитимлигини таъминловчи кўшимча воситага айланди. Натижада демократик сайловлар ҳокимиятда сиёсий кучлар алмашинувини таъминлаш ўрнига амалдагисини тасдиқлашдан бошқа нарсага ярамайдиган самарасиз юзаки демократик процедурага айланди. Бунинг асосий сабаби мазкур минтақа мамлакатларида амалдаги режимга нисбатан реал оппозициянинг мавжуд эмаслиги бўлди.

Биргина оппозициянинг сиёсий майдонда иштирок этишига йўл берилмаганлиги бутун демократик тузумнинг дисфункциясига сабаб бўлди. Биргина оппозициянинг ўтиш давридаги сиёсий жараёнлардан узиб ташланганлиги демократик амалиётда институционал бўшлиқни юзага келтирганди. Ўз навбатида, режим бу бўшлиқни тўлдириш учун давлат томонидан бошқариладиган ва унинг иродасини ифода этадиган псевдо партияларни шакллантиришдан бошқа ишончли муқобилни таклиф эта олмади.

Демократик институтлар жорий этилгунга қадар амал қилиб келинаётган анъанавий институтларнинг амал қилиш доираси қисқариб уларнинг янгилари эгалламас экан, шунингдек, ўтиш даврида демократик институтларнинг тўсиксиз фаолият юритиши учун институционал муаммолар ҳал этилмас экан, демократлаштиришни муваффақиятли амалга ошириш имконсиз. Демократик институтлар моҳиятан анъанавий институтлар функциясини тақрорламаслиги керак, яъни бирини замонавий иккинчиси билан алмаштирмаслиги керак.

Ўзбекистонда аҳолининг муаммоларини ҳокимиятнинг юқори поғоналарига етказиш ОАВлар фаолиятида цензура ўрнатилгани ва мустақил фуқаролик жамияти институтларининг мавжуд эмаслиги шароитида имконсиз бўлгани, сўнгра бу бўшлиқни ўзбек давлатчилиги анъанаси (додох институти)дан келиб чиққан ҳолда дастлаб Президент виртуал қабулхонаси, сўнгра Халқ қабулхоналарини ташкил этиш орқали компенсация қилишга уриниш бўлди[11]. Бирок, бугун бу институтлар ҳам кераксиз бюрократик процедуралар остида (мисол учун, бирор фуқаро бирор мансабдор устидан шикоят қилса, бу шикоят тегишли қабулхоналарга етиб борганда шикоятни ҳал этиш учун фуқаронинг қонуний ҳуқуқини поймол қилган ўша ташкилот ёки мансабдорга ҳал қилиш учун қайта юборилган ва мурожаат тегишли тартибда ўрганилишини ва ҳал этилишини назорат қилиш механизми заиф шакллантирилгани, яъни мазкур мурожаатни ўша ҳуқуқбузар мансабдор шахс ёки давлат органининг ўз “ихтиёри”га топширилиши кутилган натижани бермади. Натижада мурожаат ҳал қилиниш ўрнига фуқаронинг сарсон бўлишига сабаб бўлмоқда. Чунки бу ўша мансабдор шахс мурожаатни ўз хоҳишига қараб ҳал қилишига йўл очиб берди.) ҳамда самарасиз бўлиб қолаётгани демократик институтларнинг анъанавий аналоглари фақатгина ўткинчи институт вазифасини бажаришга мажбур бўлмоқда.

Ўз навбатида, бунда яна бир нарсани эътибордан четда қолдириб бўлмайди, у ҳам бўлса, анъанавий институтларнинг демократик муҳитга мослашуви. Агарда секуляр демократик институтлар анъанавий институтлар (масалан, диний партиялар аҳолининг диний сегменти манфаатларини ҳокимият даражасида ҳимоя қилиб келган бўлса, бундай партияларнинг бекор қилиниши оқибатида бу вазифани қайси институт бажариши очиқ қолади) бажариб келган вазифаларни бажара олишмаса, у ҳолда ўша бўшлиқни тўлдириш учун анъанавий институтларга эҳтиёж сезилади. Мана нима учун сайловларда Мисрда Мусулмон Биродарлари, Тунисда Ал-Наҳда, Марокашда Исломиё Адолат ва Ривожланиш партияси ғолиб чиқди. Улар мамлакатда шариятни ўрнатиш ғоясидан воз кечган бўлишсалар-да, аслида ўзларининг анъанавий вазифаларини бажаришда давом этишди. Ушбу жараёнда демократиянинг диний шакли юзага келди[12].

ХУЛОСА

Демократлаштириш жараёнида демократик институтларга параллел равишда анъанавий институтлар ёки аввалги режимга хос бўлган сиёсий институтларнинг амал қилишига барҳам бериш лозим. Ўтиш даврида демократлаштиришга ёрдам берадиган институционал механизмларни шакллантириш ва институционал бўшлиқнинг юзага келишининг олдини олиш ҳам устувор вазифа ҳисобланади. Шунингдек, демократлаштириш жараёнида анъанавий жиҳатдан аҳолининг маълум қисмининг манфаатларини ифода этиб келаётган сиёсий институт (партиялар, ҳаракатлар)ларнинг бекор қилиниши оқибатида юзага келадиган бўшлиқни ё аввалгиларининг демократик талаблар асосида фаолият юритишига имкон бериш орқали, ёки уларнинг ўрнини самарали тарзда эгаллай оладиган муқобил институтларни шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўтиш даврида ҳақиқий маънодаги демократик ҳуқ-атворни шакллантириш учун унга зид келадиган сиёсий маданият ва анъаналарга режимнинг легитимлигини таъминловчи асосий омил сифатида қаралишига чек қўйиш ва

бошқарувнинг демократик тамойилларини легитимликнинг асоси деган қарашни шакллантиришга катта эътибор қаратиш керак.

Иқтибослар/Сноска/Reference

- [1] Should Modernization Theory Survive? *The Annals of Comparative Democracy*. (The American Political Science Association. 2008) Vol. 16 (3).
- [2] Andrew J. Nathan. The Puzzle of the Chinese Middle Class in *Journal of Democracy*. Volume 27, Number 2, April, 2016.
- [3] Quality of Democracies in Latin America. (International IDEA, 2016.) <https://www.idea.int/sites/default/files/publications/the-quality-of-democracies-in-latin-america.pdf>
- [4] Пшевровский А. Демократия и рынок. Политические и экономические реформы в Восточной Европе и Латинской Америке. (РОССПЭН. 2000.) С.13.
- [5] Carothers, Thomas. The End of the Transition Paradigm in *Journal of Democracy*. Volume 13, Number 1, 2002.
- [6] Jenna Bednar, Scott E. Page. Complex Adaptive Systems and Comparative Politics: Modeling the Interaction between Institutions and Culture in *Chin. Polit. Sci. Rev.* (2016) pp.448–471
- [7] Қаранг: Sanjar S. Is mahalla an uzbek prototype of civil society? *CENTRAL ASIA AT 25: LOOKING BACK, MOVING FORWARD*, (CAP, IERES. Elliot School of International Affairs. The George Washington University. 2017) pp.66-68.
- [8] Крадин Николай. Политическая антропология. (Москва, Логос, 2004) Стр.7.
- [9] Omar Saif Ghobash. Winning the War of Ideas in the Arab World: A View from the UAE. (Foreign Policy Research Institute. E-Notes, 2014.) P.5. <https://www.fpri.org/article/2014/09/winning-the-war-of-ideas-in-the-arab-world-a-view-from-the-uae/>.
- [10] Quality of Democracies in Latin America. (International IDEA, 2016.) p. 98. <https://www.idea.int/sites/default/files/publications/the-quality-of-democracies-in-latin-america.pdf>
- [11] Қаранг: Санжар Султон. Народные приемные “справедливого правителя” 8 НОЯБРЯ, 2017. <https://caa-network.org/archives/10719>.
- [12] Бу ҳақда батафсил қаранг: Driessen M. Religious Democracy and Civilizational Politics: Comparing Political Islam and Political Catholicism. (Center for International and Regional Studies, Georgetown University, 2013) Occasional Paper No. 12.



ISSN 2181-0796

Doi Journal 10.26739/2181-0796

**KONSENSUS
XALQARO JURNALI**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF CONSENSUS**

№3 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000